



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 57 (10.110)

2004 ЙИЛ 25 МАРТ

**ПОЙТАХТНИНГ
Дир Кўни**
Янгиликлар, воқеалар

ҚИСКА
Сўзлар

- **БУГУН** Юнусобод тумани мудофаа ишлари бўлимида чакирв участкасининг очилиши ва Наврўз умумхалқ байрами тадбири бўлиб ўтди.
 - **ЭРТАГА** Мирзо Улугбек номидаги маданият ва истироҳат боғида Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан «Лайлак-Варрак» миллий спорт ўйинлари мусобақалари ўтказилади.
 - **КЕЧА** Республика Саломатлик маркази институтининг Тошкент шаҳар филиалида уюштирилган брифинг Бутунжаҳон силга қарши кураш кунига бағишланди.
 - **ТОШКЕНТ** Давлат техника университети қошидаги академик лицейда умумтаълим фанлари олимпиадаси якуний bosқичининг очилиш маросими бўлиб ўтди.
 - **МИРЗО** Улугбек туманидаги 210-мактабда амалиётчи руҳшунослар иштирокида ташкил этилган семинарда таълим жараёнида амалиётчи руҳшуносларнинг роли хусусида сўз борди.
 - **2-ТОШКЕНТ** Давлат тиббиёт институтида шифокорлар иштирокида ўтказилган илмий-амалий анжуман «Ревматологиянинг долзарб муаммолари» деб номланди.
 - **ЎЗБЕКИСТОН** Халқ демократик партияси ташаббуси билан Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатида Меҳр ва мурувват йили ҳамда Наврўз айёмига бағишланган хайрия тадбири ўтказилди.
 - **ЮНУСОБОД** туманидаги 265-мактабда «Китобсевар ёшлар» танлови уюштирилиб, унда тумандаги 6 та мактабнинг билимдон ўқувчилари беллашди.
- Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

ТАШРИФ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов таклифига биноан мамлакатимизга давлат ташрифи билан келган Озарбойжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев Ўзбекистон Бош вазири Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида 24 март кuni Озарбойжон маданият маркази янги биносининг расмий очилиш маросимида иштирок этди.

Мазкур марказнинг фаолияти Озарбойжон миллий урф-одатларини асраб-авайлашга, Ўзбекистон ва Озарбойжон халқлари ўртасидаги қардошлик муносабатларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

— Икки кундан буён Ўзбекистонда меҳмон бўлиб, халқингиз, ҳукуматингиз, шахсан Президент Ислам Каримовнинг Озарбойжонга, унинг халқига нисбатан чексиз ҳурмат ва

эҳтиромини чуқур ҳис этдим, - деди Илҳом Алиев. Тошкентда Озарбойжон халқининг улуғ мутафаккир шоири Низомий Ганжавий хайкалининг ўрнатилиши, ушбу маданият маркази жойлашган кўчага Ҳайдар Алиев номи берилиши ана шу юксак ҳурматнинг яна бир далилидир.

Президент Ислам Каримов билан музокаралар чоғида шунга амин бўлдимки, Озарбойжон билан

Ўзбекистон ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришда ҳам, халқаро масалаларда ҳам фикрдош. Бу муштараклик мамлакатларимизнинг келгуси алоқалари ривожига муҳим аҳамиятга эга.

Илҳом Алиев Ўзбекистонда озарбойжон халқининг миллий кадриятлари эъзозланаётгани учун халқимизга ва Президентимизга самимий миннатдорлик билдирди.

Шу кuni Озарбойжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев Ўзбекистон Бош вазири Ш.Мирзиёев ҳамроҳлигида Самарқандга борди.

Олий мартабали меҳмонни Самарқанд вилояти ҳокими Р.Холмуродов кутиб олди.

Озарбойжон делегацияси кўҳна ва навқирон шаҳар билан танишувни Мирзо

Улугбек расадхонасидан бошлади. «Афросиёб» музейи ва Бибиҳоним мадрасаси, Регистон ансамблини томоша қилди. Соҳибқирон мангу осойиш толган Гўри Амир мақбарасини зиёрат қилди.

Шу билан Озарбойжон Президенти Илҳом Алиевнинг мамлакатимизга давлат ташрифи ниҳоясига етди.

(ЎЗА)

Пойтахтимиздаги «Мухандис» курилиш фирмаси бунёдкорлари замонавий ва кўркам иншоотларнинг қад ростлашида куч-ғайрат сарфлашмоқда.

СУРАТДА: тикловчилар бригадаси сардори Шавкат Шарифбоев ҳар бир ишда ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқда.

Ҳақимжон Солиҳов олган сурат.

Мамлакатимизда атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш, табиатга етказилаётган салбий таъсирларни камайтириш ва экологик мувозанатни сақлашга жиддий эътибор қаратилаяпти.

ЭКОЛОГИК СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШГА БАҒИШЛАНДИ

Табиатга етказиладиган зиёни камайтиришда жойлардаги атроф-муҳитни ифлослантирувчи манбаларни қатъий назорат қилиш яхши самара беради. Бу ифлослантирувчи манбаларни классификациялаш ва экологик хавфсизликни таъминлашнинг аниқ чора-тадбирларини ишлаб чиқишга имкон яратди. Экологик сертифицилаштириш, стандартлаштириш ва меъёрлаштириш бу жараёнда муҳим омили ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида халқаро амалиётни ҳисобга олган ҳолда стандартлаштириш ва сифат тизимини таъминлашни таъминлаштириш бўйича 2003-2010 йилларга мўлжалланган концепция ва уни амалга ошириш дастурида ана шу вазифалар белгилаб берилган.

Пойтахтимиздаги «Саёҳат» меҳмонхонасида экологик сертифицилаштириш, стандартлаштириш ва меъёрлаштириш тизимини таъминлаштириш

чора-тадбирларига бағишланган семинарда шу ҳақда сўз юритилди. Тадбирда Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузурдаги Давлат экологик сертифицилаштириш, стандартлаштириш ва меъёрлаштириш бош бошқармасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлиmlлари вакиллари, олимлар ва мутахассислар иштирок этди.

ЎЗА

ХУИ сағоси
Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

- Ўзбекистон банклари ассоциациясида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Республика Давлат Солиқ қўмитаси ҳамкорлигида «Тижорат банкларини солиққа тортиш масалалари» мавзусида семинар бўлиб ўтди.
 - Наврўз байрами кунларида Андижонда яна иккита кўшма корхона иш бошлади. Булар — Андижон ип газлама ишлаб чиқариш ҳиссасдорлик жамияти негизда ташкил қилинган «Эмтекс» Ўзбекистон-Туркия ва Балиқчи туманидаги «Балиқчичекс» Ўзбекистон-Германия-Швейцария кўшма корхоналаридир.
 - Илм-фани ривожлантиришдаги хизматлари ва истеъдодли ёш олимларни тарбиялашга кўшган ҳиссаси учун Ўзбекистон Фанлар Академияси президенти, академик Бехзод Йўлдошев Россия ФА Бирлашган ядро тадқиқотлари институтининг фахрий доктори ва АҚШдаги Бутунжаҳон Исроил Фанлар Академиясининг фахрий аъзоси этиб сайланди.
 - Намангандаги 26-мехрибонлик уйига 7,5 гектар ер ажратилиб, болажонлар учун янги бино қурилмоқда. Ушбу мақсадларда маҳаллий бюджетдан 800 миллион сўм микдорда маблаг ажратилди.
 - 2003 йил якунлари бўйича Зарбдор туманидаги «Зарзамин» фермер хўжалиги Жиззах вилоятидаги энг яхши фермер хўжалиги деб топилди ва замонавий компьютер жамламаси билан мукофотланди.
 - Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Яхё Фуломов номидаги Археология институти Хоразм бўлими олимларининг сайё-ҳаракати ва илмий изланишлари натижасида Хива тарихий обидалари харитаси юзга келди.
- Жаҳонда**
- Финляндия ва Канада космик тизимлари ёрдамида Шимол атроф-муҳитини ўрганиш ва кузатиш бўйича кўшма лойиҳани амалга оширишни бошладилар.
 - АҚШ Давлат котибининг ёрдамчиси Уильям Барнс Ливия пойтахти Триполига ташриф буюрди. Бу шундай даражадаги Америка давлат арбобининг кейинги 30 йил ичида Ливияга дастлабки ташрифидир.
 - Грузия Ташқи ишлар вазирлиги Аджария етакчиси Аслан Абашидзе, шунингдек Батуми шаҳри мэри ва Аджария ички ишлар вазирининг дипломатик паспортлари бекор қилинганлигини билдирди.
 - Кеча эрталаб Бағдоднинг марказий қисмида жойлашган «Шертон» меҳмонхонасида кучли портлаш рўй берди. Портлаш натижасида ҳалок бўлган ва яраланганлар бор.
 - Конго Республикасининг шимол-ғарб қисмида рўй берган қабила-лараро тўқнашувлар натижасида 1000 га яқин маҳаллий аҳоли кўшини Замбия давлатига қочишга мажбур бўлди.
 - Болгарияда мамлакатнинг НАТО таркибига кирган кuni байрам сифатида нишонланадиган бўлди.

Иқтисодиёт

**ЎЗ МУДДАТИДА
БАЖАРИЛАДИ**

Шайхонтохур туманида самарали фаолият юритаётган «Gengous» масъулияти чекланган жамияти жамоаси ички бозорни ўрганиш асосида харидорбоп, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда.

Корхона 2002 йилда 4 нафар ишчи-хизматчи билан иш бошланган бўлса, бугунги кунда бу ерда 25 нафардан иборат ғайрат-шижоатли ёшлар меҳнат қилмоқда. Бозор иқтисодиёти шароити талабларидан келиб чиққан ҳолда 80-90 фоиз маҳаллий хом ашёдан сифатли, чиройли ва ишлатишда қулай эшик, ром, витражлар ишлаб чиқарилмоқда.

Ўтган — 2003 йилда мазкур корхона томонидан нафақат пойтахтда, балки республика бўйлаб буюртмалар ўз муддатиде ва асосийси, сифатли бажарилди ҳамда миқозларга 12 миллион сўмлик маҳсулотлар сотилди. Улар алюминдан тайёрланиб, ёғочдан ишланган ана шундай маҳсулотларга нисбатан анчагина афзалликлари билан ажралиб турди.

Биринчидан улар ёнгил, ўрнатишда, ишлатишда ҳам осон ва қулай. Шунингдек, шовкин ва чанг ўтказмайди, чидамли ҳамда механик таъсир кўрсатилмаса, 20-25 йил хизмат қилади.

Корхона тadbиркорларининг келгусига режалари ҳам улкан. Шу йили жамият маҳсулотлари сотиладиган фирмали дўкон ишга туширилиши, асосийси эса ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобига янги иш ўринлари яратиш йўлида ишлар қизғин бормоқда.

**ШАРТНОМА
АСОСИДА**

Ҳозирги кунда иш бошлаш учун тadbиркорлардан нафақат сармоса, балки ишчанлик, англикка ўқлик, ҳуқуқий билим ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш ҳам талаб қилинмоқда.

— Ҳар бир раҳбарда билим ва ташаббус бўлсагина, у мақсадга эришиш учун тўғри йўл танлаши мумкин, — дейди. «Қурилишасервис» ёпик акционерлик жамияти бош директори Жуманазар Бобоев. — Ивланиш ва ташаббусда гап кўп.

Ҳозирги кунда 84 кишидан иборат жамоа ахли ички бозоримизни нафақат сифатли, кўркам, рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдиришга, балки маҳаллий хом ашёдан тайёрланган кўплаб турдаги маҳсулотларни экспорт қилишни ҳам бошлади.

Масалан, жамиятга қарашли жорий йилда ташкил қилинган ишлаб чиқариш цехида тайёрланган стерилланган момиқ тиббий пахталар 100 фоиз Россия давлатига юборилади, шу мақсадларда икки давлат ўртасида 500 минг долларлик шартнома тузилган.

Мазкур корхона тadbиркорлари улкан режаларни кўзлаган ҳолда айни кунларда шахримиздаги хусусий фирма билан ҳамкорликда қўшма корхона ташкил этиш ниятида самарали саъй-ҳаракат олиб боришмоқда.

**Мухаббат
ҲАБИБУЛЛАЕВА**

Беғубор кўзларни ўзига қаратган устоз уларнинг жажжи кўлларидан тутиб илк ҳарфларни қоғозга қоралатган, ўзининг хулқ-одоби билан кўпчиликка ўрнак бўлган ўқитувчи ҳаёти бутун умр ёш қалбларда муҳрланиб қолиши табиий. Шу ўринда таъкидлаш керакки, устоз нафақат илм даргоҳида, балки оиласида ҳам, фарзандлари тарбиясида ҳам ўрнак бўладиган инсон бўлиши лозим. Ана шундай заҳматкаш устозлардан бири, Акмал Икромов туманидаги 245-мактабнинг бошланғич синфлар ўқитувчиси Комила Муҳиддиновадир.

Бир неча йиллардан бери ушбу мактабда фаолият юритиб келаётган бу инсоннинг собиқ ўқувчилари ҳозирда бирлари ташкилот раҳбарлари, бирлари беморларга саломатлик бағишловчи шифокорлар, яна бирлари ўзи сингари жонкуяр устоз-мураббийлар бўлиб етишишган. Бағридан неча-неча «қалдирғоч»ларни учирма қилган Комила опа айни дамда мактабнинг 4-5-синф ўқувчиларига таълим-тарбия беришда давом этмоқда. Наврўз айёми арафасида ушбу мактабга ташриф буюр-

Юртимизда Наврўзи олам

КУЙЛАР ҚЎШИҚҚА УЛАНДИ

Ёшлиқдан таълим бериб, илм ўргатган устознинг мартабаси ҳар қандай зотдан улғу десак хато қилмаймиз. Ёш авлод қалбини илм нурлари билан ёритишда ўзларининг хизматларини аямайдиған устоз-мураббийларга ҳурматимиз чексиз. Уларга қанча эътибор кўрсатсакда оз назаримизда. Халқимизда «Устоз отангдек улғу» деган нақл бежизга айтилмаган.

ганимизда Комила опа Муҳиддинова бошчилигида ташкил этилган катта байрам тadbирининг гувоҳи бўлдик.

Жажжи болажонлар кўзларида севинч нурлари, барчаси байрамога кийинишган. Комила опа эса ўқувчилари-

келиб, баҳорнинг тансиқ таоми — сумалак пиширишни ўз ҳаракатларида шундай ажойиб тарзда кўрсатиб бердики, байрам тadbирига йиғилган барча меҳмонлар болакайлари олқийлашди.

— Мана шундай чиқишлар-

ўқитувчилар кўплаб топилади.

245-мактабда ўтказилган Наврўз байрами шодиёналари куй-қўшиққа уланиб кетди. Болажонлар хурсандчилигини кўрган ёшу қари бирдек шодланишди.

Биз байрам тadbiri ташкилотчиси Комила опага юзландик.

— Албатта, меҳнат қилсанг, интилансанг унинг самарасини кўрасан, — дейди устоз. — Мен болажонлар билан ишлаб, асло чарчамайман. Уларнинг ҳар бири

бир олам. Фақат ёшлар қалбига йўл топа билсанг бўлгани. Гоҳида ўқувчиларим билан болалардек диллашишга тўғри келади. Энг муҳими мен улардан хурсандман.

**Орузгул РУСТАМОВА
СУРАТЛАРДА:
245-МАКТАБДА ЎТКАЗИЛГАН
БАЙРАМ ТADBIRIDAN ЛАВҲАЛАР.**



Интилганга — толе ёр

**ХОРИЖГА ҲАМ ЭКСПОРТ
ҚИЛИНМОҚДА**

Барчамизга маълумки, юртимиз тупроғи гавҳарга тенг бўлиб, унда етиштирилаётган меваю сабзавотлар таъми оғзингизда қолади. Бу борада Ўзбекистонда гарқ пишадиган ноз-неъматларнинг таърифига сўз йўқ.

Бежизга мева ва сабзавотлар хусусида сўз очганимиз йўқ. Ёзкуз ойларида мўл ҳосилдан барча баҳраманд бўлади. Шу билан бирга киш учун уларнинг меваси таъмини берадиган, дармондорилари тўла сақланган шарбати тайёрланади. Шуниси қувонарлики, эндиликда ана шу мўл ҳосил исроф этилмай, замонавий хорижий технологиялар асосида қайта ишланмоқда. Тайёрланган табиий шарбат концентратларига эса нафақат ички, балки жаҳон бозорида ҳам талаб катта, харидорлари бисёр. Ҳамма гап уни жаҳон андозаларига мос равишда ишлаб чиқаришни йўлга қўйишдadir.

Сергели туманида 2001 йилда фаолият бошлаган «HAN BIO TECH» акционерлик жамияти тadbиркорлари ҳам ана шу мақсадда, яъни аҳоли дастурхонига дармондориларга бой, саломатлик учун фойдали табиий шарбатнинг бозориг турларини ишлаб чиқариш, уни жаҳон бозорига экспорт қилишдек хайрли ниятларни кўзлаганлар.

Албатта, бунинг учун Жанубий Кореядан келтирилган линиялар асосида иш бошлаб юборилди. Биринчи навбатда маҳаллий хом ашё — анор мевасидан табиий концентрат тайёрланди. Маҳсулотни қадоклашда эса «Кувасойна» корхонасининг 750 граммлик бежирим ва талаблар даражасида-

ги шиша идишлари ҳамда ҳамкорлар — Жанубий Кореянинг пакетларидан фойдаланилмоқда.

— Маҳсулотимиз учун асосий хом ашёни анор меваси етиштиришга ихтисослашган жамоа хўжалиқларидан шартнома асосида оламиз, — дейди корхона менежери Тўйчибой Бойматов. — Йилига замонавий дастгоҳларда



1000 тонна анорни қайта ишлаш қувватига эгамиз. Шарбатларимиз нафақат фойдали, балки айрим хасталикларга ҳам даво бўлади. Шунингдек, анор пўстлоғидан турли бўёқлар, данагидан эса дори-дармон тайёрлаш борасида илмий ивланишлар ҳам давом этмоқда. Ушбу ишларимиз амалга ошса яна янги усуналар келтириб, қўшимча ишчи ўринлари ҳам яратимиз. Ҳозирда маҳсулотларимизни қўшни давлатларга экспорт қилишни режалаб турибмиз. Шуниси эътиборлики, шарбатлари-

миз сифатли бўлгани ҳолда четдан келтириладиганидан 2 баробар арзондир. Биз шарбатларнинг янги турларини яратишга ҳаракат қилаёпмиз. Маҳсулот тайёрлашда эса унинг жаҳон бозоридаги ўрнига, харидоргирилигига аҳамият берамиз.

Жорий йилдан корхонада ишлаб чиқариладиган шарбатларнинг турлари янада кўпаяди. Корхона жамоаси тут ва анжир меваларини қайта ишлаш асосида сифатли табиий шарбатлар тайёрлашни йўлга қўйишни кўзлаган. Бунинг учун эса барча имкониятлар ишга солинмоқда. Сифатнинг бош омил бўлиши, қадоклашга эътибор қаратиш ҳам доимий эътиборда.

Ўтган йилларда корхона маҳсулотлари Жанубий Корея, Россия давлатларига экспорт қилинди. Шунингдек, ушбу табиий шарбат концентратларига Япония, Швеция давлатларидан ҳам буюртмалар тушмоқда. Корхона тadbиркорлари яқинда Сергели туманида бўлиб ўтган «Ташаббус-2004» кўрик-танловда биринчи ўринни эгаллаб, «Энг яхши тadbиркор» номини олишди. Танловнинг шаҳар босқичида эса «Энг яхши экспозиция учун» ҳамда «Келажаги порлоқ маҳсулотлар» номинациялари бўйича голиб деб топилди. Шу боисдан улар ушбу номларни оқлаш учун келгусида ҳам самарали меҳнат қилиш, экспорт ҳажминини кўпайтириш, жаҳон андозаларига тўла жавоб берадиган шарбат турларини яратиш ниятидалар.

**Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТДА: оператор Дилором
Солихова мазали шарбатлар
тайёрлаб, харидорларга ман-
зур этаётганидан мамнун.
Ҳакимжон Солихов
олган сурат.**

Фан

ТАДҚИКОТ САМАРАСИ

Кимё sanoatida ceolit moddasining tutgan ўрни катта. Ўз таркибида альюминий ва кремний оксидларига эга бўлган цеолит кристалл ва аммофосга ҳам бойдир.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг умумий ва ноорганик кимё институтида ана шу фойдали моддани ўрганиш борасида самарали изланишлар олиб борилмоқда. Профессор Эргаш Орипов раҳбарлигида табиий цеолитларнинг физик-кимёвий хоссалари тадқиқ қилинмоқда.

Изланиш натижалари эса республикаимиз халқ хўжалигининг қатор соҳаларида тўлдирувчи ва каталлизатор моддалар янглиг қўлланилмоқда.

Олимлар атроф-муҳитни зарарли газлардан, эриган моддалардан тозалашда табиий цеолитлардан фойдаланиш бўйича йирик илмий ишни яратдилар.

ФАЛСАФА

ФАНИГА

МУНОСИБ ҲИССА

Жаҳон фалсафий тафаккурида **Гарб фалсафаси ҳам алоҳида ўрин тутади.** «Янги ва энг янги давр **Гарб фалсафаси**» деб номланган ўқув қўлланмасининг ўзбек тилида чоп этилиши ҳам аини мудида бўлди.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг бир гуруҳ олимлари муаллифлигида босмага тайёрланган бу китобда гарб фалсафасининг асосий хусусиятлари кенг ёритилди. Гарб фалсафасининг «Олтин даври»га оид маълумотлар ҳам қизиқиш билан ўқилади.

Янги нашр XX аср фалсафасини ўрганишда талаба-ёшларга муҳим ўқув адабиёти бўлиб хизмат қилади. У ўзбек олимларининг фалсафада яратган йирик тадқиқоти сифатида ҳам эътиборлидир.

ИЖОБИЙ

НАТИЖА БЕРДИ

Ўзбекистон Фанлар академиясининг **Кибернетика институти олимлари экологик жараёнларни кузатишга оид қатор мавзуларда изланишлар олиб боришмоқда.**

«Аргументларни биргалликда ҳисобга олиш усули асосида экологик жараёнларни моделлаштиришнинг алгоритмларини ва дастур воситаларини ишлаб чиқиш» деган тадқиқот ҳам ўз ижобий натижасини берди. Шуниси муҳимки, ушбу йўналишда тайёрланган илмий мабуруза республика ёш олимлари анжуманида яхши баҳо олди.

Акбар АЛИЕВ

Маҳаллаларда

«БОҒИШАМОЛ»ДА НАВРЎЗ

Миробод туманидаги «Боғишамол» маҳалласида Наврўзи олам айёми бу йил аввалгиларидан ўзгача ўтмоқда. Наврўз байрамидан анча олдин қатор ҳашарлар уюштирилиб, маҳалла ҳудуди саранжому саришталанди, кўлаб гулу дарахт кўчатлари ўтқазилди, дов-дарахтлар оқланиб, уларга шакл берилиб, ариқ ва йўлқалар тартибга келтирилди. Кўп қаватли уйларнинг ҳовлилари орасида «Энг тартибли ва кўркам» кўрик-танлови ўтқазилди. Охир-оқибатда «Боғишамол» маҳалласи исми жисмига янада монандлашди.

Айниқса, олимۇ қаламкашлар билан ўтқазилган учрашув кечаси йиғилиш қатнашчиларида чуқур таассурот қолдирди. Маҳалладорлар Наврўзнинг ўтмиши ва бугуни, унинг келиб чиқиши тарихи, маросиму урфлари ҳақида кўп нарсаларни билди олишди, мавзуга оид қатор китобу рисоалар билан танишишди.

Меҳр ва мурувват йили дастури доирасида ташкил этилган тадбирлар ҳам анча салмоқли бўлди. Маҳалладаги саховатпеша тадбиркори ишбилармонлар бу борда алоҳида жонбозлик кўрсатишди. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси Миробод тумани Кенгаши қатор кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатди.

Маҳаллада истиқомат қилувчи тадбиркор Сулаймон Мамедов, «Кино олами» МЧЖ раҳбари, ишбилармон Вадим Агьямов ҳам маҳалла ахлининг маданий ҳордиқ чиқаришини ташкиллаштиришга салмоқли маблаг ажратди.

Шунингдек, маҳалла ҳудудида иш юритаётган қатор хусусий тадбиркорлардан Саидазим Каримов, Ўктамхон Мақсумова, Анатолий Белоглазов, Отабек Жалилов, Сергей Ким, Елена Полетаева, Ҳожимурод Усмонов, Марина Колядина, Жавдат Мелиқуловлар Меҳр ва мурувват йили дастурини бажаришга ўзларининг муносиб улушларини қўшишди.

Наврўз тадбирлари Ўзбек-

кистон тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — либерал-демократик партиясининг маҳалла бошланғич ташкилоти томонидан «Боғишамол» маҳалласи ахли учун ташкил этилган байрам кечаси билан янланди. Унда Вадим Агьямовнинг Наврўзга, меҳр-мурувватга бағишланган шеърлари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Юнус Гулзаров ижросидаги дилтортар куй-қўшиқлар, «Ўзбекистон», Шароф Рашидов, Мусо Тошмуҳаммад номидаги қўшни маҳаллалар оқсоқоллари Талъатбек Шамсиев, Нейматилла Қосимов, Минаввар Муллаевларнинг юрак сўзлари, табриклари йиғилганлар кўнгилларини хушнуд этди.

Кеча сўнгида 80-90 ёшли табаррук кексалар, кам таъминланган оилалар қатори маҳалла юмушларида иштирок этиб келаётган фаоллардан Анна Ўзбекова, Антонина Терешенко, Эмма Саъдуллаева, Эллада Корнилова, Аркадий Мушинский, Асия Тухватуллина, Ирина Пападопулу, Светлана Казанцева — жами 49 кишига моддий ёрдам кўрсатилди.

Маҳалла фаоллари Меҳр ва мурувват йилида юқоридаги каби мурувват тадбирларини мунтазам равишда давом эттиришни келишиб олишди. Улар, айниқса, уруш қатнашчилари, ногиронлар, бева-бечоралар, етим-есирларга алоҳида эътибор беришга аҳд қилишди.

(Ўз мухбиримиз)



Собир Раҳимов туманидаги «Аҳил» маҳалласида Наврўз айёми муносабати билан байрам тадбири бўлиб ўтди. Маҳалла ахли «Абдужалилхон ота» гузарига йиғилдилар.

ШОДИЁНАЛИК РҲҲИДА ЎТДИ

Шуни айтиш керакки, маҳаллада 7 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Улар ўзбек, рус, туркман, уйғур, корейс каби 10 дан ортиқ турли миллат вакиллари дидир. Байрам тадбирида барча миллат вакиллари аҳил-бахамжихат иштирок этди. Шунингдек, 315-мактаб жамоаси, 77-болалар богчаси тарбияланувчилари, 14-оилавий поликлиника ходимлари ҳам Наврўз дастурхонига таклиф этилди.

Дастурхонга баҳорий ноз-неъматлар, ош ва сумалак тортиди. Уйин-кулфа, хушчақчақлик узок давом этди. Хонандалар эса

ўз дилрабо куй-қўшиқлари билан даврага файз киритишди. Таъкидлаш жоизки, ўз номи билан «Аҳил» маҳалласида 38 та кўча бўлиб, байрам арафасида ўтқазилган умумхалқ ҳашари кунни барча кўчалар юзидаги дарахтлар оқланди, тартибга келтирилди. Катта йўл четидаги лотоклар оқланди, текисланди. 50 нафардан ортиқ ногиронларга байрам оши тарқатилди. Кам таъминланган, муҳтож оилаларга 500 минг сўмлик гуруч, ун топширилди.

(Ўз мухбиримиз)
СУРАТЛАРДА: маҳаллада Наврўз тантаналари.



Иқтисодиёт

БАНК ТАДҚИҚОТЛАРИ МАСКАНИ

Мирзо Улуғбек туманида яқиндагина қад кўтарган гиштли янги, икки қаватли, салобатли бино шахримиз кўрмага-кўрк қўшиб турибди.

Хусусан, Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши ва унинг мамлакат банк тизимига таъсири;

• Тижорат банкларининг қимматли қозғалар бозоридagi фаолияти таҳлили;

• Валюта бозорининг дериватив инструментларини ривожлантириш ва тартибга солиш каби мавзулар шулар жумласидандир. Таъкидлашимиз лозимки, республика Марказий банкида Ўзбекистон банк секторини ислох қилиш лойиҳаси 2002 йил 15 ноябрдан бошлаб фаолият кўрсатмоқда.

Мазкур лойиҳа Америка Қўшма Штатлари ҳамда Ўзбекистон ҳукуматлари ўртасидаги келишув доирасида амал қилиб, АКШ Халқаро тараққиёт агентлиги (ЮСАИД) томонидан молиялаштирилмоқда. Ушбу лойиҳа «Bearing Point» консалтинг компанияси томонидан амалга оширилди. Лойиҳага Майкл Кроссли раҳбарлик қилмоқда.

Мазкур лойиҳа Марказий банк ҳамда АКШ Халқаро тараққиёт Агентлиги (ЮСАИД) ўртасида имзоланган ўзаро келишув ҳақидаги меморандум асосида амалга оширилиб, унинг мақсади — молиявий ҳисоботнинг асосий халқаро стандартларини ишлаб чиқиш ҳамда

қабул қилиш борасидаги Марказий банк вазифаларини амалга оширишда техникавий кўмак бериш, тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоботи тартибга солиш бўйича меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқиш, шунингдек, банкларнинг ҳисобчи ходимлари МХСНИ қўллашларида кўникмалар ҳосил қилишга ёрдам беришдан иборатдир.

Бугунги кунда лойиҳа иштирокчилари томонидан 12 та семинар ўтказилиб, уларда 400 га яқин қатнашчи иштирок этди. Яқинда Марказий банкнинг ушбу Банк-Молия тизимининг ривожланишини прогноزلаш ва эркинлаштириш институтида Ўзбекистон банк секторини ислох қилишга доир лойиҳа доирасида «Банкчилар учун бухгалтерлик ҳисоби III босқич» мавзусидаги семинар бўлиб ўтди.

Семинарда кўчмас мулкка инвестициялар, валюта курсларидаги ўзгаришларнинг таъсири, фойда солигининг молиявий ҳисоботда акс эттирилиши, шунингдек, пул оқимлари ҳақидаги ҳисоботнинг тайёрланиши билан боғлиқ мавзулар кўриб чиқилди.

Шунингдек, мазкур институтида банкчилар учун қўлаб анжуманлар, амалий семинарлар ўтказиш режалаштирилмоқда.

Зилола ҚОБИЛЖОНОВА

БАЙРАМ ТАДБИРЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Халқимизнинг энг қадимий ва умрбоқий Наврўз байрами арафасида ва эзгулик элчинининг шукулди кунларида юртимизнинг ҳар бир гўшаси, хибёно кўчалари, корхона ва ташкилотларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари авж олади.

Баҳорнинг биринчи кунлари-данок Тошкент шаҳар енгил, мебель санъати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касабаси уюшмаси кўмитаси корхона ва ташкилотларида ҳам ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Жойларда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш юзасидан хашарлар уюштирилиб, кўчалар, майдонлар, хибёнолар, корхона ва ташкилот худудлари покиза бўлишига эришилмоқда. Тошкент шаҳрида «Орол она ва болалари» шoirи остида ўтган экологик хашар ва 13-14 март кунлари Наврўз байрамига муносиб тайёргарлик кўриш мақсадида ўтказилган хайрия хашарида 27000 метр арик, зовурлар тозаланди, 12000 тулдан ортик дарахт, гул кўчатлари экилди, 4000 тоннадан ортик маиший ва санъат чиқиндилари чиқариб ташланди. Корхона ва ташкилотларда «Меҳр ва муруват йили» дастури доирасида ўтказилаётган кўрик инсоний қадриятларимизнинг янада камол топишига, мил-

лий гуруримизни мустаҳкамлашга, дўстлик, ҳамжихатлик ва меҳр-шафқатни улуглашга, маданий-тарихий анъаналаримизни давом эттиришга қаратилган. Кўрик доирасида меҳнат фахрийларида, меҳрибонлик уйларида, боқувчисиз қолган хонадонлардан, кўп болали оналардан хабар олиш, уларга моддий ва маънавий кўмаклашиш каби меҳр-муруват, хайр-эхсон тadbирлари амалга оширилмоқда. Корхоналарда ўтказилган Наврўз байрамларида санъат усталари, бадий-хаваскорлик тўғараклари иштирокида концертлар, сахна кўринишлари кўрсатилмоқда. Жойларда жамоалар томонидан баҳорий таомлар-сумалак, кўк сомсалар билан безатилган дастурхонлар ёзилмоқда. Ушбу тантаналарга меҳнат фахрийлари таклиф қилинмоқда. Шаҳар касабаси кўмитаси доирасида спортни омма-лаштириш, мамлакатимизда спортни ривожлантириш тўғрисидаги ҳукумат қарорларининг янада камол топишига, мил-

рамани спорт мусобақаларига бой ҳолда ўтказиш мақсадида корхоналарда шахмат, шашка, стол тенниси, енгил атлетика, бадминтон, кичик футбол, стритбол бўйича мусобақалар ташкил этилмоқда. Февраль ойида Наврўз байрами тантаналарига бағишлаб ўтказилган кичик футбол бўйича турнирда тармоқдаги 11 та корхона командалари қатнашиб, «Тошшаҳаргазтаъминот» шўбча корхонаси жамоаси биринчи ўринни, «Тошўқимачи» АЖ жамоаси иккинчи, кар-соқовлар жамаиати жамоаси учинчи ўринни эгаллади. Мусобақа якуни бўйича шахсий ва жамоа ҳисобида 1-3 ўринларни эгаллаган иштирокчилар эсдалик совғалари билан тақдирланди. Хулоса қилиб айтганда шаҳар касабаси уюшмаси кўмитаси корхона ва ташкилотларида Наврўз тантаналари оммавий тусда, хуш кайфият остида ва кўтаринки рўҳда давом этмоқда.

Қобил РИЗАЕВ,
Тармоқ ходимлари касабаси уюшмаси шаҳар кўмитасининг бўлим мудири.

Маънавий ҳаётда ҳам амалий ҳаётдагидек, кимки билимга таянсагина тўхтовсиз камол топади ва ютуқларга эришаверади.

ТАЛАБАЛАР МАНФААТЛАРИ ҲИМОЯСИ ЙЎЛИДА

Талаба-ёшларни соғлом турмуш талабалари асосида тарбиялаш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашига кўмаклашиш ва уларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш мақсадида 2002 йилнинг июнь ойида Ўзбекистон Миллий университети Бирлашган касабаси уюшмаси кўмитасидан Талабалар касабаси уюшмаси кўмитасининг ажралиб чиқиши ва мустақил ҳолда фаолият бошлаши, юқоридаги фикримизнинг далилидир.

Яна шуни айтиш мумкинки, ҳар бир факультетдан билимли, иқтидорли, зеҳни ўткир ва зукко талабалар кўшимча юқори касабаси уюшмаларининг стипендияларига ва муносабатлари, миллий қадриятларимиз ҳамда маънавиятимизни тиклаш, ўсиб келаётган ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш билан боғлиқ вазифаларни бажаришига ўз ҳиссасини қўшиб келяпти. Шунингдек, университет санаторий-профилакторийси томонидан 45 нафардан ортик талабаларга имтиёзли равишда 21 кунлик йўлланма берилмоқда. Ўзбекистон Миллий университети касабаси уюшмаси кўмитаси ташаббуси билан Афғонистон ёшларига 340000 сўмлик ўқув моллари харид қилиниб, «Бунёдкор» ёшлар телеклубига етказилди. Ўтган йили республика олий ўқув юртлиги талабаларининг «Хазина-2003» ўзбек фольклор санъати ва урф-одатлари фестивалии голибларини тақдирлаш учун 230000 сўм пул ажратилди. Университетда ўтказилаётган тadbирларни ташкил этиш борасида кўпгина ишларни амалга ошириб келмоқда. Талабалар касабаси уюшмаси кўмитаси

ҳамда биология факультетининг 2-курс талабаси, факультет талабалар касабаси уюшмаси раиси Сурайё Ишимовалар тавсия этилди. Ўзбекистон Миллий университети талабалар касабаси уюшмаси кўмитаси маъмурияти билан ҳамкорликда спорт ишларини ривожлантириш масаласига ҳам алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Талабалар касабаси уюшмаси кўмитаси томонидан талабалар уйларида спорт мусобақаларини ўтказиб бориш хайрли анъанасига айланган. Спортнинг волейбол, баскетбол, мини-футбол, шахмат-шашка ҳамда стол тенниси турлари бўйича мусобақалар мунтазам ташкил этилиб келинмоқда. Шундай хулоса қилиш мумкинки, талабаларнинг табиий интилишларини икки оғиз сўз билан «Ҳамма ҳам яхши дам олсин» дея ифодалаш мумкин. Талабаларимизнинг олий мақсади — эзгуликдир. Эзгулик ёшларимизнинг маънавий оламидаги қуёшдир. Чунки келажак — баркамол ёшлар қўлида.

Талабалар касабаси уюшмаси кўмитасининг ўз олдига қўйган мақсади сари дадил одимлашда муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Мунира ГАНИЕВА,
Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети талабаси.

Ташкил топганлигининг 40 йиллигини нишонлашга ҳозирлик кўраётган «8-темир-бетон маҳсулотлари заводи» ҳиссалдорлик жамияти шаҳримиздаги муносиб салоҳиятга эга бўлган корхоналардан ҳисобланади. Жаҳоннинг гўзал шаҳарларидан бирига айланган бораётган муҳташам, серфайз пойтахтимиз Тошкентнинг янада чирой очаетганида кўп миллатли, аҳил меҳнат жамоамизнинг камтарона ҳиссаси борлигидан беҳад мамнунмиз.

Юртимизда Наврўзи олам нафаси кезиб юрган кутлур кунларда бу улгаймиш ва корхонанинг 40 йиллигини муносиб нишонлашга катта тараддуд кўрилди. Ишчи-хизматчиларимиз корхона ҳамда унинг атрофидаги худудларни тозалаш ва ободонлаштиришда фаол қатнашдилар. Жумладан, Наврўз байрамига бағиш-

лаб ҳашар уюштирилди. Ҳашарда 118 киши меҳнат қилиб, юртимизни боғу-бўстонларга буркашга баҳоли қудрат ўз ҳиссамизни қўшдик. Олма, олхўри, ўрик, нок, олча, шафтоли каби мевали дарахтлардан 40 донан манзарали дарахтлардан 30 дона, гуллардан 125 дона кўчатлар меҳр билан экилди.

Корхонадаги барча фаввора ва ҳовузалар ишлашга шай қилиб қўйилди. Теннис корти, спорт зали, мажлислар зали, тренажёр зали тартибга келтирилди. Корхонада ишчилар учун сауна ишламоқда. Уларнинг спорт билан шугулланишлари, мириқиб дам олиб, соғлиқларини мустаҳкамла-

КЎКЛАМ — МЕҲНАТ БИЛАН КЎРКАМ

Наврўзи олам — халқимизнинг азалий кўҳна байрами бўлиб, меҳр-оқибат, эзгулик, бунёдкорлик каби миллий ва умуминсоний қадриятларни улуглаб, ҳаётга татбиқ этиб келаетганлиги, ҳар бир инсоннинг меҳрини қозонганлиги босиб боқийликка юз тутган. Янгиликлар, яшарли фасли — баҳор инсон самимиёлиги, меҳнати, меҳр-мурувати билан янада чирой очади. Таъбир жоиз бўлса, 2004 йилнинг Меҳр ва муруват йили деб эълон қилинганлиги нур устига аъло нур, халқимиз табиатида хос бўлган қувонарли иш бўлиб, барчамизни савобли, хайрли амалларни қилишга ундайди.

Қурувчилик касбини халқимиз яқин қариндошини дафн этишда эъоззлайди. Корхона ўзининг ажойиб, моддий ёрдам кўрсатилади. Бундан

ибратли анъаналарига эгадир. Бу меҳнат жамоасида Эргашевлар, Мадиевлар, Стамовлар, Павловлар, Галонскийларнинг оилавий сулолалари етишиб чиқиб, ўз касбини ардоқлаб хизмат қилиб келмоқда.

Имконият излаб ишчиларни моддий жиҳатдан тақдирлаш, фахрийларни қўллаб-қувватлаш савоблидир. Хотин-қизлар куни байрами муносабати билан корхонада меҳнат қилаётган аёлларнинг ҳар бирига 30 минг сўмдан моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, ишчи-хизматчиларга даволанишга, фарзандлари бетоб бўлганда, яқин қариндошини даволатишда, тўйлар муносабати билан ва оила азбоси ёки

ташқари корхонада ишлаб пенсияга чиққан кексаларга аризасига биноан моддий ёрдам берилмоқда.

477-болалар боғчасига қурилиш материаллари, ишчи кучи билан хайрия ёрдами беришмоқдамиз. Шунингдек, катта Дўмбиробод маҳалласига корхонанинг темир-бетон маҳсулотлари билан хайрия кўмаги кўрсатилди.

Иш ҳақи ишчиларга ўз вақтида берилмоқда ва бу борада қарздорликка йўл қўйилмаган.

Кўклам меҳнат билан кўркам деганларидек, корхона аҳил меҳнат жамоамизнинг халқимизга хос бўлган бунёдкорона, самарали ишлаши муваффақиятларнинг мустаҳкам пойдеворидир.

Аселия ОСМАНҚУЛОВА,
корхона касабаси уюшмаси кўмитасининг раиси.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

Тошкент шаҳар касабаси уюшмалари Кенгашининг саҳифаси



«Kabil-Uzbek Co» Жанубий Корея-Ўзбекистон қўшма корхонасида тўрт минг кишилик жамоа самарали фаолият кўрсатаётган бўлиб, корхона маъмурияти ва касабаси уюшмаси кўмитаси ҳамкорликда ишчи-хизматчиларни ижтимоий муҳофаза қилишга муҳим эътибор қаратмоқда. Жумладан, касабаси уюшмаси кўмитаси маблағлари ҳисобидан бепул тушликлар ва йўл картончалари берилмоқда.



Суратларда: қўшма корхонанинг илгор йигирувчиларидан Мохидил Файзметдинова иш устида; йигирув цехи устаси Рустам Каримов ишчиларга малакали маслаҳат бermoқда. Раҳмон Ақбаралиев олган суратлар.

Анжуманлар

ЎЗАРО ТАЖРИБА АЛМАШИШДА

Меҳнаткашларнинг маданий-маърифий савиясини ошириш, маънавий дунёсини кенгайтириш, миллий ва умуминсоний қадриятларни эъоззлаш руҳини уларнинг онгига синдириш касабаси уюшмалари фаолиятида муҳим ўрин эгаллайди. Бу савобли ва фойдали ишни амалга оширишда шак-шубҳасиз ўзаро фикрлашиш, тажриба алмашиш катта аҳамиятга эгадир.

Яқинда шаҳар касабаси уюшмалари Кенгаши томонидан йиллик иш режасига биноан шаҳар Маданият ишлари бош бошқармасида касабаси уюшмалари маданият муассасалари раҳбарларининг навбатдаги семинар-машғулоти бўлиб ўтди.

Ишчи ишлари бош бошқармаси билан бу борадаги маданий-маърифий ҳамкорлик, муштарак мақсадлар йўлида гоёт фойдали ва баърақали бўлишини алоҳида таъкидлади. Шаҳар Маданият ишлари бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари Абдурауф Абдуғаниев бошқармада кутубхоналар фаолияти бўйича олиб борилаётган ишлар, галдаки вазифалар ҳақида анжуман аҳлига атрофлича маълумот бериб, эзгу мақсадлар йўлида ҳамкорлик қилишдек хайрли ишга қўл урган шаҳар касабаси уюшмалари Кенгаши раҳ-

бариятининг ташаббусини мамнуният билан қўллаб-қувватлашини билдирди. Давримизни тезкор ахборотсиз, компьютерсиз тасаввур этиш қийин. Тафаккур қасри — кутубхона фаолиятида ҳам аста-секин жиддий ижобий ўзгаришлар содир бўлмоқда, бу маърифат масканларига компьютерлар кириб келмоқда. Бу замонавий ахборот тизими орқали кутубхоналар китоблар, дарғиликлар орқали ўзаро ахборот алмашишлари мумкин.

Мутахассислар фикрича, компьютернинг хотираси-

га 17 минг нусхадаги китобни бемалол сизгириш мумкин экан. Бу дегани китобхон компьютерга қараб, керакли бадий, илмий асар ёки дарсликни ўқишни англайди. Лекин бунинг учун зарур моддий-техника базаси, керакли шарт-шароит яратилмоғи даркор.

Ун марта эшитгандан, бир марта кўрган афзал деганларидек, анжуман аҳли замонавий жиҳозланган кутубхонанинг фаолияти, китобхонларнинг китоб мутлоаха қилаётганлиги, ушбу ахборот тизимидан фойдаланаётганлиги билан танишди. Мазкур тажриба алмашиш, кутубхоначилик борасидаги янгиликлар анжуман аҳлида катта қизиқиш уйғотиб, ёрқин таассурот қолдирди.

1-Тошкент Давлат тиббиёт институти талабалар касабаси уюшмаси кўмитаси ҳозирги кунда институтнинг барча жамоат ташкилотлари, хусусан институт «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти, хотин-қизлар кўмитаси, «Маънавият ва маърифат» бўлими ҳамда институт раҳбарияти билан ҳамкорликда иш олиб бораёпти. Касабаси уюшмаси таркибида

Олий ўқув юртиларида

ШЎЪБАЛАР САМАРАЛИ ФАОЛИЯТ КЎРСАТМОҚДА

Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатини ҳимоялаш касабаси уюшмалари фаолиятида асосий ўрин эгаллайди. Ўқув жамоаларида ўқитувчи-мураббийлар ва айниқ-са, талабаларнинг ижтимоий жиҳатдан қўмоғаниши ҳамда талаба-ёшларнинг камол топишига жиддий аҳамият бериш фаолиятимиздаги гоёт муҳим йўналишидир.

бир қатор шўъбалар мавжуд бўлиб, улар бир нечта йўналиш бўйича фаолият юритмоқда. Жумладан, илмий шўъба — талабалар, клиник ординаторлар ҳамда магистрларнинг илмий фаолиятини қўллаб-қувватлаш, улар учун доллар муаммоларга бағишланган семинар ва конференциялар ўтказиш билан шугулланаёпти. Бундан ташқари ҳар йили апрель ойида икки босқичдан иборат талабалар илмий кенгашининг ҳамда май ойида тиббиёт институтлари магистрларининг илмий конференцияларини ўтказиш йўлга қўйилган. Маданий шўъба хозирги кунда талабаларнинг ўқишдан ташқари вақтинги мароқли ҳамда қизиқарли ўтишини таъминлаш борасида катта иш олиб бermoқда. Йил мобайнида икки марта фаолият йўлида талабаларнинг кўмаги билан танишди. Мазкур тажриба алмашиш, кутубхоначилик борасидаги янгиликлар анжуман аҳлида катта қизиқиш уйғотиб, ёрқин таассурот қолдирди.

Ун марта эшитгандан, бир марта кўрган афзал деганларидек, анжуман аҳли замонавий жиҳозланган кутубхонанинг фаолияти, китобхонларнинг китоб мутлоаха қилаётганлиги, ушбу ахборот тизимидан фойдаланаётганлиги билан танишди. Мазкур тажриба алмашиш, кутубхоначилик борасидаги янгиликлар анжуман аҳлида катта қизиқиш уйғотиб, ёрқин таассурот қолдирди.

кил қилиш ишлари билан машғул. Маънавий ва маърифий шўъба талабалар учун Республикаимизда кўзга кўринган таниқли шoirлар, ёзувчилар, актёрлар, фан арбоблари билан ижодий учрашувлар ўтказиш, театрларга таш-

риф буюриш ишлари ташкил қилинаёпти. Ўқув тарбиявий шўъба талабаларнинг ўқиши, интизом, хулқ-атворини ўргатиш, институт ички

риоя қилганда, сабабсиз дарс қолдирган талабаларга нисбатан чоралар кўришга аҳамият қаратмоқда.

Албатта, касабаси уюшмаси кўмитаси томонидан анча ишлар қилинган, лекин шу билан бирга олдимизда ҳали қилинмаган ишлар, камчиликлар ҳам мавжуд. Ҳозирда фаолиятимизни янада кенгайтириш ва янги-янги дастурларни яратиш ва амалга ошириш ниятидамыз. Яна шуни таъкидлаш кераклики, талабалар касабаси уюшмаси кўмитаси фаолиятида ўз вақтида катта ўрин эгаллаган «Шифокор» талабалар соғломлаштириш оромгоҳи муаммоси ханузгача ҳал бўлгани йўқ. Уйлаймизки, соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси шаҳар кўмитаси ва масалани ижобий ҳал этишда ўзининг ёрдами берилади.

Ҳамид МАЪРУФҲОНОВ,
1-Тошкент Давлат тиббиёт институти талабалар касабаси уюшмаси кўмитасининг раиси, доцент.

Шарқ дурдоналари

ОЗ-ОЗ ҲАҚИДА
Домо бўлур...

● Такаббурга салом берма. Саломга жавоб қайтариш унга оғирлик қилади, жавоб бермагани эса сенга малоллик келтиради.

● Инсон ўзини бошқалардан ортққ деб билмаслиги, ўзини ақлли, бошқаларни ақлсиз деб тасаввур қилмаслиги, ҳар қандай яхши ишни ўзига лойиқ ва ўзгаларга нолойиқ деб ҳисобламаслиги зарур. Эҳтиёт бўлгинки булар худбинлик аломатларидир.

Ҳикмат: ҳар кимсага менсимаслик назари билан қарама. Эҳтимол уларнинг кўриниши аянчли бўлсада, вужди одабийлик хислати билан лиммо-лимдир. Зеро, улуғлар «Ҳар кечани қадр бил, ҳар ким кўрсанг Хизр бил», деб беҳиз айтмаганлар.

● Олимлардан Низомиддин ибн Хусайн айтди:

— Боболаримиз: «Сўзлаганинг кумуш бўлса, тек терганинг олтиндир», деганлар. Бунга қараганда ҳар ерда сўзламасдан жим ўтиришга тўри келади. Лекин Боболаримиз «ўринсиз, маъносиз сўзлаганингандан кўра, тек турганинг яхшироқ» демоқчидирлар.

Ҳар ишининг ўзига хос одоби бўлгани каби сўзлашнинг ҳам ўлчови ва одоби бордир. Сўзга ёлғон қўйиш, бировнинг сўзатна-насиғига тегадиган сўзларни сўзлаш ва шунга ўхшаш ярамас сўзлар зарар етказмасдан қолмайди. Шунинг учун донишмандлар «Кўп ўйла, оз сўзла, сўзинг яхши бўлса сўзла, бўлмаса тек тур, маъносиз олди-қочди сўзлар сўзлашдан тилингни тий», деганлар.

● Арасту Ҳаким айтди:

— Маишатга етарли молу давлатга эга бўлган киши ундан ортққасини талаб қилмасин, чунки поёни йўқдур. Ортққча талаб қилган киши жуда кўп фалокатларга дуч келади.

Алишер Навоий айтди:

Неча ким тўнинг риюат бирла кийсанг, эскирур, Чунки кийдирдинг бировга, эсимас тўн ул эрур.

● Мавлоно Жалолиддин Румий айтди:

— Эй биродар, агар бахт-саодат истасанг, ғурур, манманликдан йироқ бўл, ҳикматли сўзларни сокинлик билан тингла, такаббурлик, адоват, гина-чиликдан ҳазар қил. Қайғу-аламлар устингга ҳужум этсалар, бу ҳужумларга ўз адаб-сизилигинг сабабчидир. Тарбиясиз, адабсиз одам алам, ҳасрат дарёсида қарқ бўлади. Шунга кўра адаб нури билан ўзингни нурлантир, қалбинг пок бўлсин.

● Букрот Ҳакимдан:

— Ҳамма нарсадан кўра юқори ҳисобланган нарсани нима? Қайси нарса ҳеч вақт вайрон бўлмайди? — деб сўрадилар. Букрот Ҳаким айтди:

— Ҳиммат ҳамма нарсадан юқори туради. Адил биноси ҳеч вақт вайрон бўлмайди.

Байт:

Ҳимматингни тут бандан эл олдида, Ҳимматинг-ла мартабан бўлгай бандан

● Олим-фозиллардан Хуррабий айтди: Бир қария ҳар вақт ёшларга:

— Болаларим, ёшликни ганимат билинг, фақат ўйин, кулгу, кайфу сафо билан ёшлик даврингизни зое этманг, ўқинг, ўрганинг, илмли, хунарли бўлинг, агар ёшлик даврингизда ўзингизни тугиб қолсангиз, кейин қаттиқ пўшаймон қиласиз, лекин фойда бермайди, — деб насиҳат қиларди. Шу ҳурматли чолнинг насиҳатларига амал қилган ёшлар бахтли-саодатли бўладилар.

Борликни яшилликка, гулу гунчага бурқаб, қалбларимизни эса кувончу шодликка тўлдириб ўлкамизда Наврўз айёми тантаналари бошланиб кетди. Ҳамма ерда шоду хуррамлик. Дилдаги ғуборларни тарқатиб жўшқин наволар, дилбар қўшиқлар янграб барчани эзгулик, меҳр-оқибат сари чорламоқда.

Мағбурлар

ЎЗГАЧА ШУКУҲ БАХШ ЭТДИ



Мирзо Улуғбек туманидаги 18-мактабда «Сени соғиндик, Наврўз!» деб номланган байрам шодиёнаси ҳам ўзгача шукуҳ билан бошланди. Мактабинг катта ва шинам зали байрамона безатилиб, тадбирда тумандаги мактабларнинг ўқувчилари ва ўқувчилари, туман болалар ва ўқувчилар ижодиёти маркази, кўшимча таълим мажмуаси аъзолари ва ўқувчилари йиғилдилар. Ўқувчилар бу шодиёнани янада завқли ўтказиш мақсадида Наврўзни мадҳ этувчи мумтоз куй-қўшиқлар, жозибали рақслар ижро этиб, лапарлар, шеърлар айтиб йиғилганлар қалбига олам-олам кувонч бахш этдилар. Шунингдек, мактабнинг спорт залида байрамнинг давоми бошланди, бунда тумандаги мактаблар, ўқувчилар томонидан тайёрланган Наврўз байрамига бағишланган деворий газеталар намойиш этилди, турли хил Наврўз тасвирлари, ширинликлар, халқ ижодиёти намуналаридан миллий рақс ва лапарлар, спорт мусобақаларидан миллий кураш, аржон тортиш бўйича мусобақалар ташкил қилинди. Шу билан

бирга ўқувчилар ўзлари ясаган варрақларни учуриб Наврўз нашидасидан завқландилар. Ўшбу мусобақаларда тумандаги 49, 99, 112, 120, 142, 211, 207, 210, 209-мактабларнинг ўқувчилари фаол иштирок этиб, ҳайрат аъзолари томонидан муносиб баҳо олдилар. — Мактабда Наврўз айёмини ўтказишдан мақсад болаларга ёшлиқдан Наврўз — меҳр-оқибат, мурувват, эзгулик байрами эканини тушунтириб бориш, уларнинг қалбига Ватанга муҳаббат, миллий қадриятларимиз, аъналаримизга ҳурмат уйғотишдан иборат, — дейди мактаб директори Назира Ортиқова. — Шунинг учун ҳам Наврўз айёмини ҳар йили мактабимизда ўзгача шодиёна билан нишонлаймиш. Ўқувчилар бу байрамни доимо орабкич қутиб катта тайёргарлик кўрадилар.

Дилором ИКРОМОВА СУРАТДА: мактабда ўтган байрам тадбирдан лавҳа.

Владимир Гранкин олган сурат.

КЎРГАЗМАДА ВОҲА ЖИЛОЛАРИ


Наврўз байрами муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Давлат санъат музейи томонидан «Сурхон жилолари» бадийий кўرғазмаси очилди.

Мамлакатимизда халқ санъатининг турли йўналишлари тарққий топган бўлиб, ҳар бир ҳудуд ўзининг маданий бойлиги билан ажрალიб туради. Сурхондарё қадимдан ўзига хос миллий маданият ўчоги сифатида машҳурдир. Сурхондарё халқ санъатида каштачиликка, заргарлик буюмлари шакллари, газламага, кулолчиликка, ёрқин ранглар колоритига, оҳангига шўхчанлик хос. Каштачилик билан деярли ҳар бир хонадонда шуғулланишади — бу аёлларга хос ижодиёт. Кашта тикиш халқ санъатининг энг гўзал кўринишларидан бири бўлиб, маший турмушининг ўзига хослиги билан ўзбек халқининг бадийий ўй-фикрларини намоён этади. Ўзбекистон Давлат санъат

музейида очилган кўрғазмадан 100 дан ортққ халқ санъати намуналари жой олган бўлиб, уларни турли йилларда ишланган заргарлик буюмлари, кулолчилик каштачилик санъати маҳсулотлари ташкил қилган. Жумладан, «Дўппилар» (1963-1967 йиллар), «Ёстиклар учун хом ашё» (саржа ва сатиндан тайёрланган), «Зардевор», девор тепа қисмини безовчи кашта, (1972-1973 йиллар), «Сўзана» — девор каштаси ва бошқа кўплаб ижодий ишлар намойиш этилмоқда.

Колдуз РИЗАЕВА СУРАТДА: кўрғазмага қўйилган буюмлардан намуналар.

Тоҳир Нигматуллин олган сурат.



Айтишларича, буюқ фантаст ёзувчи Жюль Верннинг якка-ягона ўғли Мишельга ҳам «қийин» бўлган экан. У аввалига отасига ўхшаб, ёзувчиликни ҳавас қилиб, қаламини ҳам синаб кўрган. У доимо қарз берувчиларга таъқиб қилиб яшаркан. Бора-бора, бор мулкадан ҳам айрилади, ҳатто отасининг асарларини экранлаштириш ҳуқуқини ҳам «соетиб юборади». Унинг ўғли, буюқ адибнинг невараси Жан-Жак ҳам адабиёт майдонида омадини синаб кўради, лекин машҳур буvasига тенглаша олиш унга насиб этмайди — Жюль Верннинг таржimai ҳолини ва унинг «Мишель-Строггоф» романининг давомини ёзиш билан кифояланган Жан-Жак охири оқибатда ёзувчиликни ташлаб, ҳуқуқшунослик соҳасида ишлаб бошлайди. Лекин у буюқ босиб билан боғлиқ нарсани муқаддас санаб, бутун куч-гайратини ўғли — Жан-Жюлини ёзувчига сўнмас муҳаббат руҳида тарбиялашга сарфлади. Отасининг сон-саноксиз ҳикояларини эшитаверганидан Жан-Жюлга гўё ёзувчи эварасининг ҳар бир қадамини кузатиб, унинг ҳар бир ҳатти-ҳаракатини танқид қилаётгандек, бармогини бигиз қилиб қараб тургандек туюлаверди. «Мактабда ўқувчилар, ҳатто ўқитувчилар ҳам менга ҳавас билан боқишларини яширмасдилар, мен эса бундан доим ҳижолат тортардим. 21 ёшта тўлғунимча Жюль Верннинг бирон бир китобини кўлимга олмаганман. Ҳозиргача ҳам унинг мероси — менинг учун оғир юк бўлиб туюлади».

Жан-Жюль, Вернлар сулоласининг бошқа аъзоларидан фарқи ўлароқ, адабиётга эмас, мусиқага қизиқди. Аввал Тулуза консерваториясида бир неча йил таҳсил олди, сўнг Италияда ўқиниши давом эттирди. Унинг эътирофи этишича, мусиқа оламида ҳам унга «тинчлик бўлмаган». Мумтоз адиб номи билан боғлиқ барча нарсалардан қочишга ҳар қанча уринмасин, тақдир ҳазилини қарангки, у доимо ана шундай шов-шув-

ли адабий топилмалар гирдобига тушиб қолаверади. Гап шундаки, 1989 йилда унинг миёсига оила бисотидаги эски сандиқни бир очиб кўриш фикри келиб қолади. Буни қарангки, сандиқ тубида Жюль Верннинг ҳаётигида эълон қилинмаган «Париж XX-асрда» номли романининг қўлёзмаси ётарди. Роман-

Ҳоҳ ишонинг ҳоҳ...

МАШҲУР БЎЛИШ ОСОНМИ?

Буюқ кишиларнинг авлодлари ҳам жиддий одамлар. Улуғ ўтмишдошларнинг буюқлик сояси кўпинча улар зиммасига енгиллик эмас, балки оғир юк бўлиб тушаркан.

даги воқеалар 602 йилда бўлиб ўтади. Ёзувчи асарда компьютер, факс, электрорган сингари техника ютуқларига дахлдор кўплаб сўзларни ишлатган. Бу китоб ўтган йил охирида босилиб чиқди, бестселлер деб топилди ва ўз-ўзидан равшанки, эварага мўмайгина даромад келтирди.

Шунингдек, Альберт Эйнштейннинг набираси Эвелинга ҳам «осон» бўлмаган экан. Унинг ҳали-ҳануз эслашича, ёшлигида синфдошлари, гарчи даҳо буvasининг даҳшатли ихтироси — атом бомбасига унинг тирноқча алоқаси бўлмаган бўлсада, уни доимо «қотил» деб чақиритаркан. Бутун умри давомида полицияда камарона вазифада хизмат қилган Эвелин пенсияга чиқиб, бугунги кунда Калифорнияда истиқомат қилмоқда. Унинг эътирофи этишича, фамилияси унга доим «юк» бўлиб келган экан.

Диего Колумб ҳусусида ҳам худди шундай фикрларни айтиш мумкин. Америка кашф этилганлигининг 500 йиллик юбилейи тантаналарида уни «қонига ташна» қилиб юборишди. «Сиз Колумб авлодига мансуб эканлигингиздан бахтиёрмисиз?»

Мана шу бир хил саволни унга тантаналар ўтунга қадар неча марта беришдики, буни у афусқис, эслолмайди. Диего кўринишидан ҳақиқатан ҳам узоқ аждоди — машҳур саёҳатчиға жуда ўхшаб кетди. Мовий кўз, оппоқ сочли, бўйчан, уновни ҳам худди ўша Маркис д'Акуил-фуэнте. «Албатта, номига эга бўлиш, бу — ҳақиқий обрў, — деб ҳисоблайди Диего. — Мен улуг ўтмишдошим билан нафақат фахрланаман, балки унга ўхшаб ҳаётда кўп нарсаса эга бўлишни ҳам хоҳлайман. Фарзандларим ҳам мен билан доимо фахрланиб юришларини истардим». 43 ёшли Маркис д'Акуил-фуэнтенинг уч фарзанди бор. Диего ҳаётда ҳақиқатан ҳам қандайдир даражада Христофор ишини давом эттирмоқда. У ўз ҳаёти-ни кемасозлик ишига бағишлади.

Ашаддий яхтаси сифатида машҳур испан испан қиролчи Хуан Карлоснинг ишончини қозонган. Мана 14 йилдики, Диего қирол ҳазратлари ташриф буюриб турадиган Бомар оролларидаги кемасозлик корхоналарига эгалик қилади. Денгизга муҳаббат — Америка кашфиётчисининг қонида бор эди. Ана шу ишқибозлик авлоддан авлодга ўтиб келаётир. Диегонинг отаси — адмирал Христофор испан қиролнинг яқинларидан бўлиб, Мадридаги миллий кемасозлик тарихи музейида узоқ вақт директор бўлиб ишлаган. Унинг тақдир фожиаи кечган. 1986 йилда у тушган машина бош иштаб томон олиб бораётганида басклик террорчилик томонидан портлатиб юборилди.

Колумбар оиласи ортққча дилдабаю ҳою-ҳавасдан тийилиб яшайдилар. Бу-нинг ўзига яраша объектив сабаблари ҳам бор. Қолаверса, ўтган авлодларнинг аччиқ тажрибалари доимо оғоҳ бўлишга чақиради: XVI аср охиридаёқ «Адмирал Христ»нинг беҳисоб мол-мулкига даъвогар озмунча бўлмаган. Улар ўртасидаги кураш эса роппа-роса икки юз йил давом этган.

Хориж матбуоти материаллари асосида тайёрланди.

Ғаройиб олам

УЙКУДАГИ
КАШФИЁТЛАР

Тиббий нуктаи назардан қараганда, уйку — даврий юз берадиган умумбиологик ва физиологик эҳтиёж бўлиб, бунда физиологик жараёнлар бир қадар секинлашади ва аъзоларнинг, жумладан марказий асаб тизимининг иш қобилияти тикланиши учун энг яхши шароитлар яратилади. Туш кўриш эса уйкуда содир бўладиган субъектив рухий ҳодиса. Туш кўришда уйкудаги киши аниқ ва образли кечинмаларнинг шоҳиди бўлади. Уйкуда одам ажабтовур, ғаройиб тушлар бўстонида бўлиши, ниҳоятда кўрkinчли лавҳаларга дуч келиши ҳам мумкин. Қизиғи шундаки, баъзан туш оғушида бўлганлар катта ихтиролардан «дарак» топишлари ҳам мумкин.

ҲАМОН
ОРОМБАХШ
ҲИСОБЛАНАДИ

Таниқли Италия бастакори Жузеппе Тартини ҳақида тарих саҳифаларида қизиқарли бир ҳикоя сақланган. Бастакор туғилган режадаги бир сонатани қойилмақом қила олмай, хуноби ошиб кетган экан. Дикқат бўлиб уйкуга «чўзилган» Жузеппе тушида шайтонни кўради. Бастакорга яқинлашган шайтон унинг қўлидан гижжакни (скрипка) ва унинг камончасини тортиб олади, назарда тутилган сонатани қиёмига етказиб ижро эта бошлади. Шайтон томонидан чалинаётган куй шундай мафтункор ва жозибали эдики, бастакорни ниҳоятда таъсирлантириб юборди. Уйкудан сапчиб турган бастакор асбобини олиб, тушида эшитган ажайиб куйни қайта чалиб, дафтарга туширади. Жузеппе Тартинининг ана шу машҳур сонатаси ҳали-ҳали мусиқа ихлосмандларининг оромбахш куйи ҳисобланади.

САҲНА
КЎРИНИШИ
НАМОЁН БЎЛГАН

Таниқли рус ёзувчиси Александр Грибоедовнинг уйкусида «Ақллилик балоси» комедиясининг режаси ва унинг бир неча саҳна кўриниши намён бўлган. Уйғониб кетган Грибоедов шу кечанинг ўзида мазкур пьесанинг режасини тузиб, биринчи актнинг биринчи кўринишини ёзиб тугаллаган.

МУАММО ҚИЗИК
ЕЧИЛДИ

Франциялик машҳур математик Анри Пуанкаре кунларнинг бирида уйку олди, дан ўта диққат билан мураккаб бир тенглама интегрални чиқара олмай (чексиз кичик сонлар йиғиндисини ҳисоблаш) ишини йиғиштириб, эртасига қолдиради-да, ухлаб қолади. Эрталабга яқин Пуанкаре туш кўриб, унда гўё ўз талабаларига маъруза қилиб, кўргазма тахтасида интеграл ечимининг осон йўлини келтиради. У уйкудан туриши билан ҳал бўлган муаммони хатга туширади.

Маннон НАБИЕВ
тайёрлаган.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан, ваколатли органлар қарорларига асосан давлат даромадига ўтказиш ва қарз ҳисобига ундиришлик учун хатланиб банд солинган қўйидаги автомобилотранспорт воситаларининг ким ошди савдоси ўтказилади.

2004 йил 6 апрель кўни қўйидаги автомобилотранспорт воситаларининг ким ошди савдоси ўтказилади:

1. "БМВ-520" автомобили, 1988 йилда чиқарилган, давлат рақам белгиси Д 23-32 В, бошланғич нархи 4 480 000 сўм;
2. "Хундай Соната" автомобили, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 J 30-18, бошланғич нархи 1 000 000 сўм;
3. "Дэу Пакер" автомобили, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси йўқ, бошланғич нархи 1 000 000 сўм, техник носоз;
4. "М-Газ-21" автомобили, 1969 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 З 25-24, бошланғич нархи 200 000 сўм, техник носоз;
5. "Маз-5423" юк автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АН 583, бошланғич нархи 12 960 000 сўм, техник носоз;
6. "Маз-5423" юк автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АН 479, бошланғич нархи 12 960 000 сўм,

техник носоз;

2004 йил 20 апрель кўни қўйидаги автомобилотранспорт воситаларининг ким ошди савдоси ўтказилади:

1. "Москвич-21412" автомобили, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АВ 866, бошланғич нархи 150 000 сўм, техник носоз;
2. "Газ-2411" автомобили, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АИ 711, бошланғич нархи 215 000 сўм, техник носоз;
3. "Газ-31029" автомобили, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АГ 339,

бошланғич нархи 350 000 сўм, техник носоз;

4. "Камаз-55111" юк автомобили, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АА 041, бошланғич нархи 450 000 сўм, техник носоз;

5. "Камаз-55111" юк автомобили, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АА 368, бошланғич нархи 450 000 сўм, техник носоз;

6. "Маз-5549" юк автомобили, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АВ 810, бошланғич нархи 750 000 сўм, техник носоз;


Ким ошди савдолари соат

11-00да бошланади, савдода иштирок этишга ариза қабул қилиш ким ошди савдоси Эълон қилинганидан 3 кун аввал тўхтатилади.

Ким ошди савдоси суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими биносидида ўтказилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 3-уй, 2-қават.

Маълумот учун телефонлар: 144-54-08, 41-16-38



ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОҢ ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ва «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази» Сизларни биржа савдоларига таклиф этади.

БИРЖА САВДОЛАРИГА ҚЎЙИДАГИ ШАҲРИМИЗ БОЗОРЛАРИДАН ЖОЙЛАР ҚЎЙИЛГАН:

Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Янги Сергели, 3-уйда жойлашган, «Avtomakon» СЯМ ШХЖ (авто эҳтиёт қисмлар бозори) ҳудудидида жойлашган, ҳар бирининг майдони 18 квадрат метр бўлган дўконлар,

ҳар бир дўконнинг бошланғич баҳоси — 3000000 сўм.

Биржа савдоларининг савдо сессиялари ҳафтаинг ҳар иш кунидида соат 11.00 дан 12 гача ҳамда соат 16.00 дан 17.00 гача. «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази»да бўлиб ўтади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй.

Телефон: 132-25-51. Факс: 133-20-74.

www.tshmbm.uz; E-mail: Birja@mail.tps.uz ва info@tshmbm.uz

«Xalqaro pochta» АЖ

2004 йил 30 апрель кўни соат 10.00 да акциядорларнинг навбатдаги умумий мажлисини ўтказида.

Манзил: Тошкент шаҳри, Туркистон кўчаси, 4-уй

КУН ТАРТИБИ:

1. Кузатов кенгаши ва давлат ишончли вакилининг 2003 йил фаолияти бўйича ҳисоботи тўғрисида.
2. «Халқаро почта» АЖнинг 2003 йил молиявий-ҳўжалик фаолияти натижалари ҳақида акциядорлик жамияти директорининг ҳисоботи ва 2004 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида.
3. «Халқаро почта» АЖнинг 2004 йил бизнес-режасини тасдиқлаш.
4. АЖ молиявий-ҳўжалик фаолиятининг 2003 йил иш якунлари балансини, молиявий кўрсаткичларини, корхона кўрган фойда ва зарарни тасдиқлаш. Аудиторлик текшируви хулосаси, тафтиш гуруҳи далолатномасини тасдиқлаш.
5. Соф фойданинг тақсимланишини тасдиқлаш. Дивиденд тўлови тўғрисида.
6. 2004 йилга директор билан тузилган шартномани ўзайтириш ҳақидаги Кузатов кенгаши қарорини тасдиқлаш.
7. 2004 йил учун аудиторни тасдиқлаш. Мажлисда иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар рўйхати 2004 йил 17 март ҳолатига кўра, реестр бўйича тузилган.

Ийгилиш иштирокчиларини руйхатдан ўтказиш 2004 йил 30 апрель кўни 9.00 дан бошланади.

Акциядорларнинг ёнида паспортлари бўлиши шарт. Юридик шахслар акциядорлар йиғилишига нотариал тасдиқланган гувоҳнома билан келишлари лозим. Умумий йиғилишга тайёргарлик кўраётган пайтда акциядорлар қўйидаги ҳужжатлар билан танишишлари мумкин: «Халқаро почта» АЖнинг 2003 йил молиявий-ҳўжалик фаолияти натижалари ҳақида маълумот; Ҳисобхона баланси ва йиллик ҳисобот; 2003 йил иш якунлари бўйича аудиторлик текшируви хулосаси; тафтиш гуруҳи далолатномаси; соф фойданинг тақсимланиши; Мухим факт ҳақида маълумот; Даракнинг тартиб рақами-07; Қимматли қоғоз эгалари рўйхатини тузиш санасини эмитент қарор қилган сана — 2004 йил 11 март; Қимматли қоғоз эгалари рўйхатини тузиш санаси — 2004 йил 17 март.

«Xalqaro pochta» АЖ
Кузатов Кенгаши.

Спорт

**ЙЎЛЛАНМАЛАР
СОНИ
КЎПАЙМОҚДА**

Маълумки, ҳозирда Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида Афина олимпиадасига саралаш баҳслари бўлиб ўтди.

Турнирда юртимиз чарм қўлоқ усталари катта муваффақиятга эришишди. Жумладан, 51 килограммгача вазнда Тўлашбой Дониёров ва 91 килограммгача вазн тоифасида Игорь Алборовлар финалга чиқишиб, ҳал қилувчи баҳсда рақибларига ҳеч қандай имконият қолдирмаган ҳолда турнир голиблари бўлишди. 75 килограммгача вазнда эса Шерзод Абдурахмонов нуфузли турнирда иккинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. Шундай қилиб ҳар уччала боксчимиз олимпиадада қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Эслатиб ўтамоғимиз, бундан олдин ўтказилган саралаш мусобақаларида Баҳодир Султонов, Бехзод Хидиров, Дилшод Маҳмудов, Шерзод Хусанов ва энг оғир вазнда Рустам Саидовлар ҳам йўлланмаларга эга бўлишганди.

Шуни қувонч билан таъкидлашимизки, август ойида Грецияда бўлиб ўтадиган олимпиада баҳсларида иқтидорли мураббий Шароф Худойбердиевлар бошчилигидаги саккиз нафар чарм қўлоқ устамиз юртимиз шарафини ҳимоя қилишди.

**ОЛИМПИАДАГА
ТАЙЁРГАРЛИККА
БАҒИШЛАНДИ**

Ўзбекистон Миллий Олимпия Кўмитаси ижроия кўмитаси йиғилиши спортчиларимизнинг XXVIII ёзги олимпиада ўйинларига тайёргарлигига бағишланди.

Йиғилишда спорт турлари бўйича мамлакат терма жамоаларининг олимпиадага тайёргарлиги махсус мақсадли дастурга мувофиқ равишда давом этаётганлиги қайд этилди.

Шу кунгача юртимиз спортчилари турли саралаш мусобақаларида иштирок этган ҳолда 12 та спорт тури бўйича 39 та йўлланмани қўлга киритишди. Бироқ ҳали спортчиларимизда бўлғуси турнирларда яна йигирмадан ортқ йўлланмаларга эга бўлиш имкониятлари мавжудлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Ижроия кўмита йиғилиши давомида анъанавий Олимпия югуриши кўни тадбирини ўтказиш тўғрисида ҳам қарор қабул қилинди. Бу йил югуриш мусобақаларини Тошкент шаҳридан ташқари, барча вилоятларда ўтказиш тўғрисида келишиб олинди. (Ўз мухбиримиз)

Шашка

**УМИДЛИ ЁШЛАР
БАҲС ЮРИТДИ**

Фарзандларимизнинг соғлом ва бақувват, ақлан тийрак ўсишлари йўлида шахримизда спортнинг кўпгина турлари бўйича мусобақалар мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Куни кеча Шайхонтоҳур туманидаги 15-олимпия захиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактабида Наврўз байрами муносабати билан шаҳар хотин-қизлар кўмитаси, шаҳар жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси ҳамкорлигида ўсмир қизлар ўртасида шашка бўйича мусобақаларнинг шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Айни улуг айём кунларида, юқори кўтаринкиликда ташкил этилган мусобақаларда шахримизнинг ўн битта туманидан икки нафардан туман голиблигини қўлга киритган қизлар ўзаро беллашдилар.

— Мусобақалар икки босқичда ўтказилди, — дейди биз билан суҳбатда 15-спорт мактаби услубчиси Тўлқин Кўқонов. — Ақл ва тафаккур ўйини бўлган шашка мусобақалари аввало мактаблар ва туманларда ўтказилди. Мана бугун тенгдошлари орасида зехнининг ўткирлиги билан голибликни қўлга киритган қизларимиз шаҳар биринчилиги учун дона сурмоқдалар. Уларнинг диққат билан, бутун эътиборни, ақлни жамлаб ўйнаётганларини кўриб беихтиёр иқтидорли ёшларимиз сафи ортиб бораётганидан кўнгил кўтарилди. Спорт мактабимиз эса ҳамisha гавжум, қатор спорт

мусобақалари ўтказиб келинади. Ёшларимизга кўрсатилаётган эътибор ва ишонч ўзининг хайрли натижаларини кўрсатмоқда деб ўйлайман.

Биз билан суҳбатда бутун эътиборларини шашка тахталарига қаратган мусобақа қатнашчилари қуйидаги жавобларни бердилар.

Умида Аҳмадхўжаева, 18-мактабнинг 8-синф ўқувчиси: Жуда ёшлигимдан шашка ўйнашга қизиқаман. Қатор мусобақаларда қатнашиб яхши кўрсаткичларга эришиб келмоқдаман.

Нилуфар Гуломова, 1-мактабнинг 3-синф ўқувчиси: Уйимизда ҳамма спортнинг қайси бир тури билан бўлсада шугулланаман. Акаларим шахмат-шашка ўйнаётганларида ёнларида улارга ҳавас қилиб қараб ўтирардим. Кейин ўзим ҳам жуда қизиқиб қолдим. Ҳозир шашка тўғрисида мунтазам қатнашаман.

Азиза Аҳмадҷонова, 189-мактабнинг 9-синф ўқувчиси: Мен жуда-жуда голиб бўлишни хоҳлайман. Ва ҳамisha юқори ўринларга интиламан. Ишонаман-



ки, тинимсиз меҳнат қилиб, тажрибамни ошириб албатта орузимга етаман. Ниҳоят тинч ва осуда ўтаётгандек кўринган, аслида ақл ва тафаккур, зехн ва идрок астойдил беллашган мусобақанинг голиблари аниқланди. Бектемир тумани вакили Нозима Қурбонова биринчи, Акмал Икромов туманидан Шахноза Султонова иккинчи, Юнусобод туманидан Сурайё Имомова учинчи ўринга лойиқ деб топилдилар.

Ғолиба ва қатнашчиларнинг барчаси эсдалик совғалари ва Фахрий ёрликлар билан тақдирландилар.

**Шоира МУҲАМЕДОВА
СУРАТЛАРДА: 15-спорт мактабида бўлиб ўтган мусобақалардан лавҳалар.**

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.

**АРМРЕСТЛИНГ —
КУЧЛИЛАР СИНОВИ**

Ўзбекистон Давлат консерваторияси залида армрестлинг бўйича республика мусобақаси бўлиб ўтди. Унда вилоятлардан келган юз нафардан ошиқ спортчи қатнашди.

Турнирда Москвада чоп этиладиган ООО «Железний мир» журнали ҳамда «Маърифат» газетаси ўз совринларини таъсис этди.

Барча вазнларда голиб чиққан спортчилар Армрестлинг федерацияси дипломи ва медаллари билан тақдирланди.

СУРАТДА: мусобақадан лавҳа.

Муҳаммад Амин (ЎЗА) олган сурат.



ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Давлат мулки кўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги «POYTAХT AUKSION» давлат унитар корхонаси 2004 йилнинг 27, 30 апрель ва 4, 7, 11, 14, 18, 21, 25, 28 май кунлари аукцион савдоларини ўтказди.

Савдоларга Тошкент шаҳри, Яккасарой туманида жойлашган қуйидаги объектлар кўйилади:

- Ж.Шоший кўчаси (собик Ткачей) 2-тор кўчаси, 5-уйда жойлашган бино ва иншоотлар, бошланғич нархи — 57 065 574 сўм;
- Қўшбеги кўчаси, 6-уйда жойлашган бекат мажмуаси, бошланғич нархи — 6 065 116 сўм;
- Муқимий (собик Текстильная) 1-тор кўчаси, 8-уйда жойлашган

бино ва иншоотлар, бошланғич нархи — 14 732 686 сўм.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтатилади. Савдолар соат 11-00 да бошланади.

Савдода қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини «POYTAХT AUKSION» давлат унитар корхонасининг «Ўзуйжойҳамгармабанк» Тошкент шаҳар бўлимидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 202110000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Савдо Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннахр кўчаси, 16 «А» уйда ўтказилади.

Телефонлар: 133-23-40, 133-02-49

**«TOSHKENT SHAHAR
TELEFON TARMOGI»
АБОНЕНТЛАРИ
ДИҚҚАТИГА!**

48-АТСда реконструкция ишларининг бошланиши ва амалдаги анжомларнинг замонавий рақамлиларига алмаштирилиши муносабати билан мавжуд телефонлар рақамлари ўзгартирилди. Янги ЭАТС кейинги рақамлар сонлари сақлангани ҳолда 398 рақамга эга.

Рақамларнинг ўзгариши тўғрисида абонентларга хабар қилинади.

ЭАТС томонидан киритиладиган алоқа хизматлар учун тарифлар ҳақ тўлашнинг вақтбай тизимига тааллуқлидир. Тўловнинг вақтбай усули телефон рақами ўзгартирилиши билан бир вақтда киритилади.

Абонентларнинг ойлик тўлови қуйидагича:

- Аҳоли учун — 605 сўм
- Бюджетдан молиялаштирилмайдиган ташкилотлар учун — 1490 сўм

Бюджетдан молиялаштирилмайдиган ташкилотлар учун — 2760 сўм.

Ойига 180 дақиқа ҳажмида белгиланган лимитдан ташқари абонент томонидан телефонда амалга оширилган ҳар бир тўла ва тўла бўлмаган дақиқа сўзлашув учун вақтбай тўлов 2 сўмини ташкил этади.

Маълумотлар учун телефон: 398-23-23

«Ўзбектелеком» АК «Toshkent shahar telekom tarmogi» филиали маъмурияти.



**Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ**

Манзилими: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39,
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилди.
5252 нусxada босилди. Қўроқ бичими А-3

**Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.**

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чикади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашриг етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтмоти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва сақлаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбوع акциядорлик компанияси босмоқхонаси.
Корхона манзили: «Буёқ Тўро» кўчаси, 41-уй.